



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 12 март, № 48 (7278)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2019 йил 15 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2019 йил 28 февралда маъқулланган

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганроқ бошқа қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги инсоннинг жисмоний, ақлий ва ижтимоий жиҳатдан соғломлиги ҳолати бўлиб, бу ҳолат унинг бола туғилишига қодирлигини белгилайдиган репродуктив тизими, ушбу тизимнинг функциялари, ҳаётий жараёнлари билан боғлиқ бўлади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш: фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олишни; ҳомиладорликни сақлаб юришни ва боланинг асоратларсиз ҳамда нуқсонларсиз туғилишини таъминлайдиган, ҳомиладорлик, туғиш ва туғишдан кейинги даврдаги тадбирлар, муолажалар ҳамда хизматлари; репродуктив тизим касалликларининг олдини олишни ва уларни даволашни;

жинсий йўл билан ўтадиган касалликларнинг олдини олишни ва уларни даволашни; эҳтимолдаги асоратларнинг ва репродуктив тизим функциялари бузилиши оқибатларининг олдини олишга кўмаклашган ҳолда ҳомиладорликни хавфсиз равишда сунъий тўхтатишни; контрацепция усуллари ва улардан фойдаланиш тўғрисида ахборот олишни назарда тутати.

#### 4-модда. Ушбу Қонуннинг асосий принциплари

Ушбу Қонуннинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- репродуктив муаммоларни ҳал қилишда инсонпарварлик; репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида эркаклар ва аёлларнинг тенглиги;
- фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмаслик, шахсий ва оилавий сирининг сақланиши;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги тиббий хизматлардан фойдаланишни ва уларнинг сифатини таъминлаш;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича хизматларнинг давлат томонидан кафолатланган ҳажмини таъминлаш.

#### 5-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сибсатининг асосий йўналишлари

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат сибсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш, таъдиқлаш ҳамда амалга ошириш;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тизimini ривожлантириш ва тақомиллаштириш;
- фуқароларда соғлом фарзандлар туғилишига нисбатан оғли ва масъулиятли муносабатни тарбиялаш;
- эркаклар ва аёлларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишида уларнинг имкониятлари тенглигини таъминлайдиган шароитларни яратиш;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш учун илмий тадқиқотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, замонавий услублар ва технологияларни жорий этиш;
- репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида фуқароларнинг тиббий билимларини ва тиббий маданиятини юксалтириш;
- фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- фуқаролар ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши учун уларга тиббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам кўрсатиш.

#### 6-модда. Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишдаги давлат кафолатлари

Давлат фуқароларга: репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги репродуктив ҳуқуқларини амалга оширишнинг; фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга доир хизматлардан фойдаланилиши ва бу хизматларнинг изчиллиги таъминланишини; соғлом оилани шакллантириш тўғрисидаги қарорнинг камситилмаслиги, тахдидларсиз ва зўравонликсиз қабул қилинишини; уларнинг шахсий ҳаётига аралашмасликни, шахсий ва оилавий сирининг сақланишини; бирламчи тиббий-санитария ёрдамнинг бепоуллигини; фуқароларнинг мустақил қарор қабул қилишга бўлган репродуктив ҳуқуқини амалга оширилишини кафолатлайди.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлашга доир хизматлар репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятни амалга оширувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатилади.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О И

### ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини кафолатлаш ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитасининг вазифалари қайта кўриб чиқилди, туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмиталари тузилмасида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий кадрларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг худудий бўлинмалари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ташкил этилди, шунингдек, "Муътабар аёл" кўраки ишонч тасвир этилди, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатларини қўллаб-қувватлашнинг янги тизими яратилди.

Шу билан бирга хотин-қизларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш, тадбиркорлик соҳасида самарали фаолият юритиш механизмларини яратишга тўқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Жумладан, узоқ муддат бола парваришlash билан банд бўлган аёлларнинг меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касблар бўйича қайта тайёрлаш борасидаги ишлар етарлича ташкил этилмаган.

Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш, уларнинг тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини рағбатлантириш ва одил судловга эришиш даражасини ошириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақлиқлар бекор қилинади;

тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланади;

бола парваришlash таътилининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибда қўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парваришlash таътили берилди;

икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш пайтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун бериладиган танаффуслар ҳисобидан иш бевуви билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилди;

аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган номуайян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунга қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш бевувининг ташаббусига қўра бекор қилиш тақиқланади;

эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг сулдарда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатиладиган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига қўра давлат ҳисобидан қопланади.

2. Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази, "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар

ассоциацияси, Савдо-саноат палатаси ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмиталари кўмағида нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган хотин-қизлар тадбиркорлик марказларини (қийинги ўринларда марказлар деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

3. Қуйидагиларни марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилаш тавсия этилсин: Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан ҳамкорликда узоқ муддат бола парваришlash таътилида бўлган, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларнинг меҳнат бозорига талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлаш ва уларнинг ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш;

аёлларнинг ўз бизнесини ташкил этиш ва юритиш кўникмаларини шакллантириш, бизнес соғларини тайёрлашда консултив ёрдам бериш, шу жумладан, лойиҳа бизнес-режасини тайёрлаш, солиққа тортишининг турли режимиларини танлаш ва қўллаш, бухгалтерия ҳисобини юритиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва бошқа йўналишлар бўйича ўқитишни ташкил этиш;

зарур ҳолларда фаолиятини бошлаётган тадбиркор хотин-қизларга маҳаллардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш;

тадбиркор аёлларга ва тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этишда зарур маслаҳатлар бериш ва амалий ёрдам

кўрсатиш, шу жумладан, ишончли ҳамкорларни топиш, минитехнологиялар ва ускуналар сотиб олишда кўмаклашиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига кўмаклашиш;

норасмий фаолият юритаётган хунарманд аёлларга рўйхатдан ўтиш, "Хунарманд" уюмга аъзо бўлиш орқали солиқлар ва бошқа турдаги имтиёزلардан фойдаланишда ҳамда имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. Белгилаб қўйилсинки: марказлар бизнес-инкубатор шаклида хотин-қизларнинг тадбиркорлик, хунармандчилик фаолиятини, шу жумладан, оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

марказларни сақлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва асосий вазифалари амалга оширилиши билан боғлиқ бўлган харажатлар Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондида тижорат банкларига имтиёзли кредит ажратиш учун берилган ресурслардан ҳисобланган фойздан келиб тушган маблағлар (банк маржасидан ташқари) ҳамда халқаро ташкилотлар грантлари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади;

тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган хотин-қизлар туман (шаҳар) ҳокими ва туман (шаҳар) хотин-қизлар кўмитаси томонидан шакллантириладиган рўйхат асосида махсус ўқитиш дастури бўйича ўқитилади;

(Давоми 2-бетда).



## Довондаги йўл реконструкцияси



Самарқанд — Бухоро — Туркманбоши йўналишидаги М-37 автомобиль йўлининг юкларини камайитиришга ҳам хизмат қилади

### Бунёдкорлик

Президентимизнинг 2018 йил 3 февралдаги "2018 йилга мўлжалланган инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини таъдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Нурота туманининг туризм салоҳиятини ошириш мақсадида вилоят марказини мазкур туман билан боғловчи 4P57-йўлнинг 12-22 километрлик қисмида реконструкция ишларини амалга ошириш белгиланган эди.

Айтиш жоизки, йўлнинг ушбу қисми Нурота тизма тоғларидаги Қорақарға довоидан ўтиб, қарийб 300 метр балангликка кўтарилган. Мазкур ўн километр масофада ўн иккита ўткир бурилишни ортада қолдиришга тўғри келарди. Бир кеча-кундузда 4,5-5 минг транспорт қатновига эга йўлнинг бу қисми, айниқса, қишини қорли ва тумани кўнларидан ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга техник жиҳатдан жавоб бермасди.

## Авиапарк навбатдаги замонавий самолёт билан тўлдирилди

Ўзбекистон авиапарки иқтисодий жиҳатдан самарадорлиги юқори бўлган биринчи "Airbus A320neo" самолёти билан тўлдирилди. Ушбу ҳаво лайнери кеча Исмоил Каримов номидаги "Тошкент" халқаро аэропортига келиб қўнди.



Хосен ПАЙДОЕВ олин. аэропорт.

### Тақдирот

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда таъкидланганидек, мазкур самолёт икки классли композит қабатли ишланган бўлиб, 150 йўловчи ташишга мўлжалланган. Шунингдек, у ёнилғини

олдингиларига нисбатан 20 фоиз тежайди. Авиалайнернинг парвоз масофаси 4,5 мингдан 5 минг километргага узайтирилган. Бу авиакомпания-мизга бутун Марказий Европа бўйлаб қатновларни

амалга ошириш имконини беради, дегандир. Салонининг замонавий дизайн парвоз вақтида йўловчиларга максимал даражада қулайлик яратди.

(Давоми 2-бетда).

### Маънавият

## Наманганга бир миллионга китоб отказиб берилди

Маълумки, шу йил 28 февраль — 1 март кунлари Наманган вилоятига ташриф буюрган Президентимиз Шавкат Мирзиёев худуднинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларида амалга оширилган истикболли лойиҳалар билан танишибгина қолмасдан, жойлардаги ҳолатни яхшилаш юзасидан бир қатор аниқ топшириқ ва тавсиялар берди.

Хусусан, аҳоли ўртасида олиб борилган маънавий-маърифий ишлар сифати ва савиясини янада юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шу мақсадда "Наманганнинг энг яхши китобхон вилоятга айланган" ширин остида кенг миқёсли акция ўтказиш тақлиф этилди.

Мазкур гоёни Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси, Ёшлар иттифоқи ҳамда бошқа қатор манфаатдор ташкилот ва

лар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Анжуманда сўзга чиққанлар китобнинг жамият тарқиқийтидаги ва ҳар бир кишининг шахсий ҳаётидаги улкан аҳамиятини алоҳида таъкидладилар.

Бир миллион донга китобнинг вилоят аҳлига бегараз тақдим этиш ҳақидаги сертификат топширилди.

Тадбирда вилоят олий ўқув юртларининг китобхонлик кўрик-танловларида юқори натижаларга эришган талабалари махсус совғалар — янги нашр этилган китоблар тўплами билан мукофотланди.

Нурбек АБДУЛЛАЕВ («Халқ сўзи»).

**Кун иқтибоси**

**Максим Орешкин,**  
Россия Федерацияси  
иқтисодий ривожланиш вазири.

— Бугун Ўзбекистон туддан ўзгараётганига гувоҳ бўляпмиз. Россия ҳам шундай мураккаб даврдан ўтган. Ўзбекистоннинг юксак салоҳияти унинг яқин келажақдаги барқарор иқтисодий имкониятларини кўрсатмоқда. Зеро, мамлакатингизда нафақат бугун, балки келажақ учун ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

**Президент ташрифидан сўнг**

**Ховоснинг янги тарихи ёзилмоқда**

Ўн етти кунда замонавий тикувчилик корхонаси ишга туширилди.

Аёллар юзидаги табассум наинки оилалар, балки халқ ҳаётининг ҳам ўзига хос барометридир. Мамлакатимиз раҳбари гоёси билан амалга оширилган "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" каби дастурлардан қўзланган мурод-мақсад ҳам, аввало, чекка худудлардаги хотин-қизларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун етарлича шарт-шароит яратишдан иборат.

Айниқса, хотин-қизларни ҳам доимий иш ўрни, ҳам уй-жой билан таъминлашда ўтган йили "Мирзачўл тахрибаси" яратилди: Мирзачўл тумани

маркази — Гагарин шаҳри кичка муддатда таниб бўлмас даражада ўзгаририлди.

**Президент ташрифидан сўнг**

**Ховоснинг янги тарихи ёзилмоқда**

Ўн етти кунда замонавий тикувчилик корхонаси ишга туширилди.

# Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

#### 7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси:
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларининг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;
давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилайди.

#### 8-модда. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширади;
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича давлат томонидан кафолатланган хизматларнинг ҳажмини белгилаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқади ва киритади;
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кадрларни тайёрлашни, қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишни таъминлайди;
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва ҳимоя қилиш тизимини ривожлантиришга ҳамда репродуктив саломатлиқни сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга доир чора-тадбирларни белгилайди;
репродуктив саломатлиқни сақлаш соҳасида фуқароларнинг теббий билимларини ва теббий маданиятини юксалтириш юзасидан тушунтириш ишларини олиб боради;

ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартибини, кафолатланган хизматлар, уларни қўллашга доир кўрсатмалар, монеликлар ва чекловларнинг рўйхатини тасдиқлайди;

ёрдамчи репродуктив технологиялар усулларини қўловчи теббietàш ташкилотларининг фаолиятини тартибга солади ва назорат қилади;

ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатишни амалга ошириш тартиби ва шартларини, ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш учун теббий кўрсатмалар рўйхатини белгилайди;

жаррохлик контрацепциясини амалга ошириш тартиби ва шартларини белгилайди.

#### 9-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:
фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилишини таъминлайди;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;
тегишли давлат бошқаруви органлари ҳудудий бўлинмаларининг фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

тегишли ҳудуддаги теббietàш муассасаларида кўрсатилаётган, шу жумладан фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида кўрсатилаётган теббий ёрдам сифати устидан назоратни таъминлайди.

#### 10-модда. Фуқароларнинг репродуктив ҳуқуқлари

Фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эга:
хавфсиз ва самарали репродуктив технологиялардан фойдаланган ҳолда ўз фарзандларининг туғилиши хусусида мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;

ўзининг репродуктив саломатлиги тўғрисида ишончли ва тўлиқ ахборот олиш;
туғилишни тартибга солишининг хавфсиз усулларидан ва контрацепциядан фойдаланиш;
теббий-профилактика хизматларидан фойдаланиш ва соғлиққа хавф солувчи воситалардан, шу жумладан илмий тажрибалар қўлланилишидан ҳимояланиш;
ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириш чоғида теббий-ижтимоий, шунингдек психологик ёрдам ва ахборот олиш;
ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш.
Юридик ва жисмоний шахслар фуқароларнинг ўз репродуктив ҳуқуқларини амалга ошириши билан боғлиқ ахборотни сир сақлаши шарт.

#### 11-модда. Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш

Аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:
ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштлиқни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;
репродуктив саломатлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда теббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.
Аёл бепуштлиқдан даволаниш, репродуктив саломатлигини ҳомиладор бўлгунига қадар, ҳомиладорлик даврида, туғиш ва туғишдан кейинги даврда даволашнинг замонавий услубларидан фойдаланган ҳолда сақлаш ҳамда давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга.

Ҳомиладорлик давридаги теббий аралашув эр ва хотиннинг ёзма розилиги билан, эр бўлмаган тақдирда аёлнинг ўз розилиги ёки ота-онасининг розилиги ёхуд у вояга етмаган ёки муомалага лаёқатсиз бўлган тақдирда бошқа қонуний вакиларининг розилиги билан амалга оширилади.

Теббий аралашувни рад этиш факти эҳтимолдаги оқибатлар кўрсатилган ҳолда теббий ҳужжатларда қайд этилади ва ҳомиладор аёл томонидан, бунинг имкони бўлмаган тақдирда унинг эри ёки қариндошлари томонидан ёзма тарзда, теббий аралашувни рад этиш ҳақида ёзма жавоб олишнинг имкони бўлмаган тақдирда эса, шифокорлар консилиумининг ҳулосаси билан тасдиқланади.
Аёл ҳомиладорликка, уни сунъий равишда тўхтатишга ва контрацепцияга мажбур қилиниши мумкин эмас.

#### 12-модда. Эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш

Эркакларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўзининг репродуктив саломатлиги, бепуштлиқни даволаш услублари ва контрацепция тўғрисида ишончли ҳамда тўлиқ ахборот олиш;

репродуктив саломатлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлардан фойдаланишни таъминлаш;

янги теббий, шу жумладан ёрдамчи репродуктив технологиялардан, шунингдек кам инвазивли (кам жароҳатлайдиган) аралашувлардан фойдаланган ҳолда бепуштлиқни даволаш;

репродуктив саломатлик масалалари юзасидан махфийликка риоя этилган ҳолда теббий маслаҳатлар ва хизматлар олиш.

#### 13-модда. Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш:

теббий-профилактика тадбирларини, шу жумладан репродуктив аъзолар патологиясини, шунингдек ирсий касалликларни аниқлашга қаратилган теббий-профилактика тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни;
жисний тарбия ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бўйича тадбирлар ўтказишни;

уларни репродуктив саломатлик масалалари бўйича ўқитиш ва ахборот беришни ўз ичига олади.
Репродуктив саломатлик муаммолари бўйича теббий аралашув вояга етмаган шахсини, шунингдек унинг қонуний вакилини хабардор этган ҳолда уларнинг ихтиёрий розилиги билан амалга оширилади.
Вояга етмаган шахснинг ҳаёти ва соғлигини сақлаш учун теббий аралашув тавсия этилган тақдирда ҳамда қонуний вакилдан ва вояга етмаган шахсдан розилик олишнинг имкони бўлмаганда, теббий аралашув шифокорлар консилиумининг ҳулосаси мавжуд бўлганда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларни репродуктив саломатлиқни сақлаш масалалари бўйича тарбиялаш, ўқитиш ҳамда уларга ахборот бериш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш тегишлича оилада, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларида амалга оширилади.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ МЕХНАТ ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

махсус ўқитиш дастурларини муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизлар орасидан тегишли туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитаси раиси тавсиясига кўра тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга 6 ойлик имтиёзли давр ва йиллик 8 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар ҳудудларда аҳоли бандлигини таъминлаш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришни кредитлаш тартиблари асосида ажратилади;

Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тижорат банкларига ҳар йили ажратиладиган 100 миллиард сўм ресурс маблағлари имтиёзли кредит маблағларининг манбаси этиб ҳисобланади.
Мазкур ресурс маблағларининг камида 50 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қиладиган хотин-қизларнинг бизнесини ривожлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бир ой муддатда кредит олиш учун тавсия бериш жараёнининг адолатли ва шафқофдлигини таъминловчи тартибни тасдиқласин.

5. Хотин-қизларнинг гендер камситилишига йўл қўймаслик мақсадида **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси кўмагидаги Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссия** 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

6. Қуйидагилар Хотин-қизларнинг гендер тенглигини ҳимоя қилиш бўйича комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга ва аёлларнинг ижтимоий турмуш шaroитларини яхшилашга қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишда фаол иштирок этиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан аёлларнинг гендер тенглиги бузилишига оид муροжаатларини кўриб чиқиш;

касбий сегрегация, иш ҳақи ўртасидаги фарқ, аҳолининг

Репродуктив саломатлик, шу жумладан жинсий тарбия масалалари бўйича ўқитиш таълими ва соғлиқни сақлашни бошқариш органлари билан биргаликда вояга етмаган шахсларнинг ёши, психологик ва жисмоний ўзига хосликлари ҳисобга олинган ҳолда, уларнинг оилалари билан яқин ҳамкорликда ишлаб чиқилган, махсус тасдиқланган дастурларга кўра амалга оширилади.
Ўқитишга тегишли теббий тайёргарликка эга бўлган мутахассислар жалб этилади.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасидаги хизматлар давлат томонидан кафолатланган ва бепул асосда амалга оширилади.

Вояга етмаган шахсларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида ахборот бериш аноним ва махфўй тарзда амалга оширилади.

#### 14-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот:
репродуктив саломатликнинг ҳолати ҳақидаги;
репродуктив саломатликни сақлаш бўйича хизматлар олиш шартлари ва усуллари тўғрисидаги;
замонавий контрацепция усуллари, уларнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақидаги;
ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллашдаги ҳар қандай психологик ва физиологик оқибатлар, эҳтимолдаги асоратлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Фуқароларнинг репродуктив саломатлиги тўғрисидаги ахборот ишончли ва тўлиқ бўлиши керак.

#### 15-модда. Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш

Ёрдамчи репродуктив технологиялар уруғлантиришнинг айрим ёки барча босқичлари аёлнинг организмидан ташқарида амалга ошириладиган ҳомиладорликка эришишга қаратилган теббий технологиялар, даволаш усуллари ва муолажаларидан иборатдир.

Ёрдамчи репродуктив технологиялардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

#### 16-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича профилактика чора-тадбирлари

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича профилактика чора-тадбирлари қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

фуқароларнинг репродуктив саломатлиги бузилиши хавфини, шу жумладан атроф-муҳит ва ишлаб чиқариш омилларини аниқлаш;
репродуктив саломатлик соҳасидаги бузилишларни аниқлаш ва даволаш мақсадида фуқароларнинг мажбурий профилактика теббий қўрилларини (дастлабки ва даврий) ўтказиш;
репродуктив ёшдаги фуқароларни ва ҳомиладор аёлларни репродуктив саломатликнинг бузилиши хавфи ҳамда унинг реабилитацияси ҳақида хабардор қилиш;

фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш бўйича таълим дастурларини ва илмий дастурларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритиш;

фуқароларни соғлом турмуш тарзини юритишга ва профилактика тадбирларида иштирок этишга рағбатлантириш тизимини яратиш, биринчи навбатда, фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга кўмаклашувчи ҳаёт тарзини ва услубини оммалаштириш орқали яратиш;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликларнинг, репродуктив тизим аъзолари касалликларининг ривожланишига доир хавф фўрхуларини ажратган ҳолда аҳолини, шу жумладан болалар ва ўсимрларни диспансеризациядан ўтказиш ҳамда якка тартибдаги профилактика дастурларини ишлаб чиқиш;
фуқароларга теббий-генетик ёрдамни такомиллаштириш, ҳомилатда нуқсонларга эрта ташхис қўйиш учун янги перинатал технологияларни жорий этиш.

#### 17-модда. Контрацепциядан фойдаланиш

Фуқаролар контрацепция усулларини танлаш, улардан фойдаланиш, шунингдек уларни рад этиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларга соғлигининг ҳолати, ёши ва индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳамда эҳтимолдаги ҳар қандай номмақул оқибатлар ҳақида оғохлантирган ҳолда контрацепция усулларини якка тартибда танлаш бўйича теббий ёрдам кўрсатилади.

Фуқаролар контрацепциянинг жаррохлик усулидан ихтиёрий равишда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Контрацепциянинг жаррохлик усули фақат олдиндан албатта хабардор этилган ҳолда ҳамда вояга етган муомалага лаёқатли

фуқаронинг ёки эр-хотиннинг ёхуд фуқаро муомалага лаёқатсиз бўлса васийларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

#### 18-модда. Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш

Ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш:
ҳомиладорликнинг ўн икки ҳафтагача бўлган муддатида аёлнинг хоҳишига кўра;
ҳомиладорнинг ҳаётига хавф солувчи теббий кўрсатмалар мавжуд бўлганда ҳомиладорлик муддатидан қатъи назар амалга оширилади.

Теббietàш муассасалари теббий кўрсатмаларга кўра ҳомиладорликни сунъий равишда тўхтатиш тўғрисида ёки ҳомиладорликни тўхтатишни рад этиш ҳақида қарор қабул қилган аёлни унинг соғлиги учун ҳар қандай эҳтимол тутилган салбий оқибатлар ҳақида хабардор этиши шарт.

#### 19-модда. Ёрдамчи репродуктив технологияларни қўллашда шифокорлик сирини ва ахборотнинг махфийлигини сақлаш

Ёрдамчи репродуктив технологиялар қўлланилиши тўғрисидаги, шунингдек ёрдамчи репродуктив технологиялар дастурлари иштирокчиларнинг шахси ҳақидаги маълумотлар шифокорлик сирини ташкил этади ва улар тўғрисидаги ахборот махфўй бўлиши керак.

Шифокорлик сирини ташкил этувчи маълумотлар ўқиш чоғида, касбий, хизмат вазифаларини ва бошқа вазифаларни бажариш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган шахслар томонидан ушбу маълумотларни фуқаронинг ёки унинг қонуний вакилининг розилигисиз тақдим этишга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

ўзининг ҳолатига кўра ўз хоҳиш-иродасини билддиришга қодир бўлмаган фуқарони текширувдан ўтказиш ва даволаш мақсадида;

оқумли касалликлар тарқалиши хавфи бўлганда;
тергов ёки суд муҳокамаси ўтказилиши муносабати билан суриштирув, тергов ва прокуратура органларининг, шунингдек суднинг сўровларига биноан.

#### 20-модда. Низоларни ҳал этиш

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### 21-модда. Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

#### 22-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

#### 23-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

#### 24-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

<b>Ўзбекистон Республикасининг Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЁВ</b>
Тошкент шаҳри, 2019 йил 11 март № <span> </span> ЎРҚ-528	

<span></span>	<span></span>
<b>Ўзбекистон Республикасининг Президенти</b>	<b>Ш. МИРЗИЁЁВ</b>
Тошкент шаҳри, 2019 йил 7 март	

# Муқаддас она, аёл зоти — чинакам меҳр булоғи, меҳр қуёши

Мамлакатимизда Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонлади. Хусусан, байрам муносабати билан пойтахтимиздаги “Узэксомарказ” Миллий кўргазмалар залида тантанали тадбир ўтказилди. Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, юртимиз хотин-қизларини табриклиди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 6 мартдаги “8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги, санаят, тадбиркорлик, фан-техника, инновация, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқа соҳаларда алоҳида ташаббус кўрсатиб, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ аёллар фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан, 2 мартдаги

қарорига кўра эса, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан йигирма саккиз нафар қиз аъло хулқи, ноёб истеъдоди, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари ҳамда таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ва жамоатчилик фаолиятида эришган алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Буларнинг барчаси юртимизда хотин-қизларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни эъзозлаш миллий қадриятга, давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналишига айланганининг яққол ифодасидир.

Мухбирларимиз Президентимиздан юксак мукофотларни қабул қилиб олган хотин-қизлар, шунингдек, дипломатик корпус вакилларининг дил сўзларини ёзиб олди.

## Муносабат



**Дилором САЛОҲИЙ,** Самарқанд давлат университети кафедра мудири, филология фанлари доктори, профессор, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони соҳибаси:

— Дунёда энг маданиятли халқ аёлини эъзозлайди, унга эҳтиром кўрсатади. Инсон ақлининг даражаси ҳам ёнида турган поэтикалик, гўзаллик, файзу барака тимсоли — аёлга нисбатан бўлган муносабатда намоён бўлади. Оналар, опа-сингиллар, том маънода, фидойи инсонлар. Улар ҳаётларини фақат оилаларига, фарзандлари тарбиясига, турмуш ўртоқлари хизматида бағишлайдилар. Улар шу вазифаларини бажаришлари биланок жамиятда эркак ўз ўрнини топади, оиласидан тинч бўлиб, ўзини тўлиқ қасбу қорига бағишлайди. Бунинг натижасида эса юрда осулда ва баракали ҳаёт ҳукм суради. Шунинг учун халқимизда “Эр шавкатли — хотиндан, хотин ҳусни — эрдан”, деган мақол бор.

Президентимизнинг юртимиз хотин-қизларига бўлган самимий эҳтирomini кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлдим. Бундай эъзозни биз фақат байрам кунларидagina эмас, ҳар кун ҳис этиялми. Аёллар, аввало, оддий она, опа-сингил сифатида, қолаверса, жамиятнинг фал аззоси, хунарманд, тадбиркор, олимпиа, педагог сифатида мунтазам эътиборда бўлишлари, албатта, катта аҳамиятга эга.

Мен ҳаётимни муқаддас оиламга, жонимдан ортиқ севган шоғирдларим тарбиясига бағишлаганимдан доим ўзимни бахтиёр ҳис этиб эдим. Энди эса табиятан бажаришим лозим бўлган вазифамни адо этганиниг учун камтарин меҳнатим қадрланди, эъзозланди, юксак мукофотга сазовор бўлганимниг учун ўзимни минг қарра зиёда бахтиёр ҳис этмоқдаман. Яратганга беҳад шукр!

Биз адолат устувор бўлган, инсон қадру қиймати улуғланаётган аjoyиб юрда яшамоқдамиз. Тилагим шунки, мана шу дориланом кунлар, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, эзгу сай-ҳаракатлар бардавом бўлсин!

— Ўзбекистонда хотин-қизларга эътибор кучайди, кўп янги ва яхши имкониятлар яратилаётганини кўрялман. Жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев байрам арафасида хотин-қизлар учун муҳим ҳужжатни имзолади. Мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, бу чора-тадбирлар мамлакатдаги хотин-қизларнинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади. Қарорда аёлларни нафақат иш билан таъминлаш, балки гендер тенглиги масаласига ҳам урғу берилган. Бу борада қонунчилик

**Хелена ФРЕЙЗЕР,** БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари:

такомиллаштирилиши назарда тутилган. Биз бундай ташаббусдан жуда хурсандми. Қарорнинг яна бир эътиборли томони, унда глобал муаммо — хотин-қизларнинг зўравонликдан ҳимоя қилиш масаласи ҳам ўрин олган.

Ишончим комилки, амалга оширилаётган бу сай-ҳаракатлар Ўзбекистонлик аёлларнинг меҳнат ҳуқуқла-



рини таъминлаш, умуман, барча йўналишда уларга кенг имкониятлар яратилишига туртки бўлади.

## Сенатор мушоҳадаси

### Ҳар бир қалбда шукроналик бор

Этибордаги, азиз ва эҳтиромдаги аёлнинг ҳаётга муносабати, аниқроғи, муҳаббати ҳам бошқача бўлади. Президентимизнинг бу йилги байрам табригини ҳар бир аёл ана шундай мамнуният ва хурсандчилик билан қутиб олди.

Сир эмас, сўнгги икки йил Ватанимиз тарихида оламшумул, мисли кўрилмаган давр бўлди, десак, адашмаймиз. Бу даврда юртимизда халқ розилигига эришиш, мамлакат фаровонлигини таъминлаш, барча соҳаларни тубдан ислох қилиш борасида қўйилган амалий қадамлар самараси ҳар бир юртошимиз, айниқса, хотин-қизлар тақдирини, кундалик ҳаётида аққол сезилди. Халқаро хотин-қизлар байрами тантаналарида ҳам айни ҳақиқат ёрқин акс этди.

Мен сенатор сифатида тантанали байрам тадбирида мамлакатимизнинг энг илгор аёллари каторида иштирок этишга муяссар бўлдим. Президентимизнинг мин-

бардан туриб, айтган ҳар бир гаплари қалбимдан қанчалик жой олганини сўз билан таърифлашга тил ожиз. Бу сўзларни тинглаган ҳар бир аёл қатори мен ҳам ҳаяжонга тушдим, қувондим. Чунки ўша кунни янграган ҳар бир сўз аёлларимиз шаънига чин кўнгилдан билдирилган эҳтиром ва ғамхўрлик белгиси бўлди.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги йилларда аёлга бўлган ҳурмат ва ғамхўрлик айнан амалий ишларда ўз аксини топмоқда. Юртимизда уйма-уй юриб, ҳар бир оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилди. Унинг асо-

яшаган инсоннинг шукр қилишга сабаблари кўпайишини кўрсатади. Президентимиз нутқида қайд этилганидек, кенг жамоатчилик вакиллари ўзаро олиб борган ишлар туфайли ўтган йилда ажралиш ёқасига келиб қолган оилаларнинг 26 мингга яқини яраштирилди. Энг муҳими, бунинг натижасида 36 минг 500 нафарга яқин болалар ота ёки она меҳридан жудо бўлишдан сақланиб қолди. Бу кейинги пайтларда амалга оширилаётган амалий чораларнинг жуда муҳим натижаси. Бинобарин, жамият барқарорлиги айнан оилалар мустаҳкамчилигига таянади ва халқимизга хос энг эзгу қадриятлар ҳам айнан шу кўрғонда сақланади. Шу боис мамлакатимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Умуман, биз, аёлларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром, бизга берилаётган имкониятлар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётдаги фаоллигимизнинг янада кучайишига хизмат қилмоқда.

**Зайнаб БЕРДИЕВА,** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

— Биз, ижодкорларнинг рафиқалари давлатимизнинг юксак ордени билан тақдирланиши мен учун ҳеч қутилмаган, бебаҳо бир иш бўлди. Хурсандликдан, фахр-ифтихордан бошим осмонга етди.

Ўша кунни табиат ўзи мутлақо бошқача бўлди. Осмон булоқ сувидек тоза, мусаффо бўлиб, қуёш чарақлаб турди. Тадбир ташкил этилган залга кириб борарканман, нима бўларкин, қандай ўтаркин, деган ўй, ҳаяжон бутун вужудимни қамраб олди. Байрамда эса биз кутмаган шундай гўзал воқеа содир бўлдики, унинг шукруни, таассуротларини сўз билан таърифлашим кийин.

Президентимиз орденини кўксимга тақаркан, кучли ҳаяжон билан бирга Эркин ақанинг қулиб турган нигоҳини ҳис қилдим. Биласизми, Эркин ака ҳар сафар бирор медалими, орденими ёки бошқа бир ютуқ билан тақдирланганида “Мана, онаси, сизга мукофот берди”, дерди. “Нега унақа дейсиз? Ўзингизга муборак бўлсин, мен шеър ёзмаман”, десам, жилмайиб, “Сиз менга уйда тинчликни яратиб бермаганингизда шу шеърни ёзолмасдим”, дерди...

Давлатимиз раҳбарининг “Мана шундай меҳрибон, оқила, зукко опа-сингилларимиз ўз умр йўлдошлари —

**Гулчехра ВОҲИДОВА,** меҳнат фахрийси, “Фидокорона хизматлари учун” ордени соҳибаси, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг рафиқаси:

машҳур илм-фан ва адабиёт намояндларини доимо қўллаб-қувватлаб, уларга илҳом бағишлаб келганлари, маънавий таянч бўлиб, фидойилик намунасини кўрсатганлари ҳар қандай юксак таҳсинга лойиқдир”, деган сўзлари Юртбошимизнинг турмушимизни нақадар ичдан билгани, чўқур ҳис қилгани, тушунгани ифодаси, деб ўйлайман.

Эркин ака ҳаёти давомида бахтли-саодатли дамларни ҳам, ғамли-қайғули кунларни ҳам кўрди. Ҳар ўтган кунига шукр деди, дўстларини азиз тутди.

Шавкат Миромонович узоқ йиллар бирга ишлаган, ҳамдам, ҳаммаслақ бўлган инсонни ҳеч қачон унутмади, у кишига доим алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Дардга чалиниб ётиб қолганда ҳам холидан хабар олиб турди. Эркин ака бу дунё билан видолашганида, биз учун жуда оғир бўлган дамларда Шавкат Миромонович бизни йўлдош-



латиб қўймади. Таъзия кунларида келиб, “Аяжон, бу фақат сизнинг дардингиз эмас, барчамизнинг қайғумиз. Сиз ўзингизни тутиб олинг, халқ қиладиган ишларингиз кўп”, дея далда бўлгани бошимни тутиб, қадимини тиклашимга кўмак берди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Эркин Воҳидов таваллуҳининг 80 йиллиги кенг нишонлангани, Фарғонада шоир номидаги мактаб-интернат ташкил қилингани, хайкали ўрнатилгани руҳимизни кўтарди. Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида яшаган инсонни эл-юрт ҳам ҳаммаша эъзозлашига яна бир бор амин бўлдим.



**ЦЗЯН Янь,** Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллда ва мухтор элчиси:

— Тошкентда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда мухтарам Президент Шавкат Мирзиёев иштирок этиб, Ўзбекистоннинг барча аёлларга ўзининг илҳим қилиш ҳамда самимий тилакларини йўллади. Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкуллда ва мухтор элчиси сифатида ушбу тадбирда иштирок этиш ва бу аjoyиб байрам кувончларини бирга бўлиши менга катта фойда бағишлади. Шавкат Мирзиёев мени ва Ўзбекистондаги дипломатик миссияларини аёл раҳбарларини ҳам номма-ном табриклиганидан алоҳида миннатдорман.

Президент ўз нутқида хотин-қизларнинг соғ-саломат, бахтли бўлиб яша-



**Гулистон ДАУЛЕТОВА,** Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси аъзоси, “Дўстлик” ордени соҳибаси:

— Президентимизнинг “Агар сиз фарзандингизга дангиллама уй қуриб берсангиз — вақти-соати келиб, у эскириши мумкин. Агар энг зўр машина олиб берсангиз — уям тез орада эскириши мумкин. Агар унга моддий бойлик, пул қолдирсангиз — уям бир кун сарф бўлиб тугаши мумкин. Аммо дунёда ҳеч қачон эскирмайдиган, йўқолмайдиган бебаҳо бир бойлик борки, у ҳам бўлса, фарзандингизга берган билим ва хунардир. Ўзбекистондаги барча халқларнинг ҳаёти кундан-кунга яхшиланяпти. Хитой томони Ўзбекистон билан хотин-қизлар соҳасидаги ҳамкорликни халқларимиз фаровонлиги йўлида мустаҳкамлашга тайёр.



онанинг қалб қўридан бошланади. Фарзанди бекаму кўст камол топа, онанинг бахтидир. Оналари бахтли эл эса доимо фаровон бўлиб бораверади.

Бугун барча қорақалпоғистонлик оналар, хотин-қизлар Юртбошимиздан миннатдор, дея ишонч билан айта олам. Қорақалпоғистонга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик, биргина Мўйноқ туманида, Оролбўйида амалга оширилаётган хайри ишлар ана шу миннатдорликка асос бўлмоқда.

Адабиётга, шеърятга қанба яқин бўлганим учун ушбу соҳада яратилаётган имкониятлар, қарайликлар мени қувонтиради. Ижод аҳли яратган асарлар, китоблар ёш авлод таълим-тарбиясига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиса, бундан ортиқ бахт йўқ. Ҳар томонлама баркамол авлод юртимизнинг келажиги, Президентимиз раҳнамолигидега қилинаётган ишларнинг давомчиларидир.

Мен бахтиёрман. Аввало, шу юртга хизмат қилаётганимдан, қолаверса, камтарона меҳнатим юксак баҳоланганидан беҳад шодман. Президентимиз ўз қўллари билан кўксимга орден қадр экан, бахт тўғриси янада теран ҳис қилдим.

Буларнинг барчаси халқимизга янада фидойий хизмат қилишга руҳлантиради.

рилиб, катта куч-ғайратни ҳис этардим. Бугун хотин-қизларнинг имкониятларини рўёбга чиқариш учун барча шароитлар мавжудлиги, шунинг учун юртимизда тинчлик, фаровонлик ҳукм сураётгани ҳақида ўйлардим. Айниқса, тантанали маросимда давлатимиз раҳбари сўзлаган нутқида “Биз халқимиз розилигини, аввало, сиз, мухтарам оналаримиз, опа-сингилларимизнинг розилиги, деб тушунамиз”, деган фикрларни эшитганда кўз ёшларимни тиёлмадим. Аллоҳга беадаб шукр, шу кунларга етказганига!

Қарангки, давлат раҳбари “Дўстлик” орденини тақиб қўйиш учун залга, менинг олдимга тушиб келдилар. Шу эъзоз қалбимни тўлқинлантириб, беҳиётёр у кишига “Турмуш ўртоғим Одил Ёқубов ҳам

**Марям ШАРИАТУЛАЕВА,** меҳнат фахрийси, “Дўстлик” ордени соҳибаси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Одил Ёқубовнинг рафиқаси:

шу кунларга етиб келиб, шу кунларни кўрганларидега қанийди”, деган армонимни айтиб обдорганимни сезмай қолмаган. Шавкат Миромонович ўзларига ярашган табассум билан менга далда бериб, кўнглимни яхши сўзлар билан кўтариб қўйдилар. Орденига қўшиб, яна қўша-қўша мукофотлар олгандек бўлдим.

Одил Ёқубовнинг шоғирдлари, мухлислари, маҳалладошларимиз, қавму қариндошларимиз, ўғил-қизларимиз, невар-чеварларимиз... уйимиз остонасидан одам аримай қолди, ҳаммалари мени табриқлашяпти. Телефон кўнгрорлари тинмай-



ди. Шу кунларда не-не улуг шоир-ёзувчилар, олимлар келиб меҳмон бўлган ҳовлимизга илгариги файзу шукўҳ қайтиб келгандек бўлди. Одил ақанинг ҳам руҳлари шод бўлди! Барчаси учун раҳмат!

**Ҳозирги вақтда мамлакатимиз аҳолисининг қарий 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этади.**

**Бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 МИНГ 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида ишламоқда.**

**Мустақиллик йилларида 2 минг 180 нафардан ортиқ хотин-қизларимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган.**

**2014 — 2016 йилларда тижорат банклари томонидан хотин-қизларга тадбиркорлик учун жами 3 триллион 800 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, биргина 2018 йилнинг ўзида эса бу кўрсаткич 3 триллион 361 миллиард сўмни ташкил этди.**

2019 йилда **1 минг 576 нафар** шароити оғир хотин-қизлар уй-жойлар билан, шу тоифага мансуб **13 МИНГ** нафардан зиёд қизлар иш билан таъминланади.

